

## Ал-Азкор / Ал-Азкор / 209-ҳадис

\* روينا في كتاب ابن السني، عن عمرو بن عبسة رضي الله عنه، عن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: "ما تستقل الشمس فيبقى شيء من خلق الله تعالى إلا سبح الله عز وجل وحمده إلا ما كان من الشيطان وأعتاء بني آدم، فسألت عن أعتى بني آدم فقال: شرار الخلق".

209/1. Амр ибн Абаса розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Қуёш кўтарилганида халқ қилинган нарсаларнинг барчаси Аллоҳга ҳамд ва тасбиҳ айтади. Фақатгина шайтон ва одам болаларининг аътолари бундоқ қилмайди»**, дедилар. Мен у зотдан одам болаларининг аътолари ҳақида сўрасам, у зот: **«Халқнинг энг ёмонлари»**, деб жавоб бердилар».

Ибн Сунний ривоятлари.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVAIDLARI